

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06. 2017.Ф.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НАСИБА БЎРОНОВНА

БАДИИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ДИЗАЙННИНГ ИММАНЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИ

09.00.02 – онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ- 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Абдуллаева Насиба Бўроновна

Бадий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайннинг имманент хусусиятлари 3

Абдуллаева Насиба Бурановна

Имманентные особенности дизайна в развитии художественно-эстетической культуры..... 25

Abdullaeva Nasiba Buranovna

Immanent features of design in development of art –aesthetical culture..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06. 2017.Ф.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НАСИБА БЎРОНОВНА

БАДИИЙ-ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ДИЗАЙННИНГ ИММАНЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИ

09.00.02 – онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ- 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Fall1 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг ik-falsafa@nuu.uz. ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Нурматова Мукарам Ахмедовна фалсафа фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Ҳакимов Назар Ҳакимович фалсафа фанлари доктори, профессор Ғайбуллаев Отабек Муҳаммадиевич фалсафа фанлари доктори Нозилов Додо Авазович архитектура фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05. рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ кунни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: pauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 1-қават, 117 аудитория.)

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-22-24.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Р. М. Баходиров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

О.Д. Нишанова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

М.А. Нурматова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда дизайн нафақат маданият маҳсули айни пайтда уни шакллантирувчи восита, маданий ранг-барангликни таъминлаш усули сифатида ҳам тан олинган. Айниқса, дизайннинг интеграл табиати, бир томондан, маданият соҳаларини (техник, бадиий-эстетик, экологик) бир-бирига боғлашда, иккинчи томондан, миллий, минтақавий ва умуминсоний маданият ютуқларини ўзаро алмашувини таъминлашда инъикос этмоқда. Дизайннинг маданий тараққиёт ривожини умумий тенденцияларига боғлиқлиги имманент хусусиятларини кенг қамровли тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач дизайнга эътибор ортди, у ишлаб чиқариш соҳасигина эмас, балки моддий ва маънавий ҳаётни уйғунлаштирувчи лойиҳалаш маданияти даражасига кўтарилди. Дизайнни рағбатлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, халқаро алоқалар фаол йўлга қўйилди. «Осиё XXI аср», «Дизайн ва мода фестивали», «Флора-гулчилик, ландшафт, архитектура ва дизайн» каби республика ва халқаро миқёсда ўтказилган фестиваллар, кўрик-танловлар дизайн соҳасида янги методологик ёндашув, замонавий концепциялар, бадиий ижоднинг ўзига хос хусусиятларини шакллантирмоқда. Бу ўзбек дизайннинг эътирофи этилиши ва унинг маданиятлараро ҳамкорлик воситаси эканлигини кўрсатади.

Дунёда дизайннинг маънавий-маданий жараёнларга татбиқ этилиши воқеликка янги ижтимоий маданий мазмун бағишлаш билан бирга унинг моҳияти, табиатини ўзгартириб, имкониятларини сифат жиҳатидан ҳам кенгайтормоқда. Бу эса дизайнни маданий-фалсафий таҳлил этиш орқали унга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-маданий, маънавий-ахлоқий, руҳий-эстетик омиллар хусусида тегишли хулосаларни олишни тақозо этади. Ушбу таҳлиллар маданиятнинг муҳим соҳаси ва кўп жиҳатдан унинг характерини белгиловчи бадиий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайннинг тарбиявий механизмларини ишга солиш имконини беради. Шунинг учун мамлакатимизда санъат ва хунармандликка оид кўп асрлик анъаналар билан бирга замонавий фалсафий-маданий ақидалар, илм-фан ютуқлари, инновацион технологиялар, ижодий услубларнинг дизайн соҳасига таъсирини ўрганиш ҳам илмий ҳам амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январдаги «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1701-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти Рассомлик факультети негизида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини ташкил этиш тўғрисида»ги 131-сон, 2013 йил 13 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастурини

тасдиқлаш тўғрисида»ги 223-сон, 2014 йил 14 августдаги «Ёшлар маданият ва санъат маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 232-сон, 2017 йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Дизайннинг ижтимоий-фалсафий моҳияти, унинг назарияси ва амалиётини уйғун ривожлантиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stanford University, London College of Printing Newcastle College (Англия), Economics and Society (АҚШ), ИЕД, Istituto Europeo di Design (Италия), Douglas Mawson Institute of TAFE (Австралия), С.Г.Строганов номидаги Москва давлат бадий-саноат академияси, Москва давлат дизайн ва технология университети (Россия), Тошкент Давлат техника университети, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент Архитектура қурилиш институти, Ўзбекистон Миллий университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда дизайнга оид тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: дизайннинг ижтимоий-иқтисодий тамойиллари, технологик-муҳандислик лойиҳаларининг фалсафий асослари очиқ берилган (Stanford University, Англия); матбаа, нашриёт, китоб, оммавий ахборот воситалари дизайннинг бадий-эстетик тамойиллари ишлаб чиқилган (London College of Printing, Англия); дизайн ва санъатнинг бадий-эстетик мезонлари такомиллаштирилган (Newcastle College, Англия), (ИЕД, Istituto Europeo di Design, Италия); дизайн ва хизмат кўрсатиш тизими интеграцияси очиқ берилган (Douglas Mawson Institute of IPDDA, Австралия); дизайннинг фалсафий-маданий, бадий-техник масалаларини ўрганишга қаратилган илмий концепциялар ишлаб чиқилган (С.Г.Строганов номидаги Москва давлат

¹<http://ru.wikipedia.org/wiki/Дизайн>.www.dizayn.com.www.usfca.edu.
<https://www.gwu.edu/centralasiaprogram.org>.cas.au.dk.<https://www.usfca.edu/arts-sciences>.<https://anthrology.stanford.edu>.<http://www.countries.ru/library/culturologists/gerderk.htm>.<http://www.dmi.tafe.sa.edu.au/>.
<http://www.ncl-coll.ac.uk/>.<http://www.lcc.arts.ac.uk/>.www.humanities.edu.ru;uzhistory.uz/;
nuu.uz@mrl.uz,info.mrdi.uz,info.tagi.uz,tatu_info@tdtu.uz

бадий-саноат академияси, Москва давлат дизайн ва технология университети, Россия); дизайн ва санъат интеграциясининг асосий хусусиятлари очиб берилган; дизайн ва техника тараққиётининг ўзаро алоқадорлиги асосланган; дизайннинг фалсафий-эстетик хусусиятлари очиб берилган (Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Тошкент техника университети, Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон).

Дунёда дизайн ва уни ривожлантириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: дизайн ижтимоий функцияларининг жамиятга таъсири; дизайннинг қадриятлилик хусусиятлари; дизайн ва санъат трансформациясининг замонавий масалалари; анъанавий ва замонавий дизайн концепцияларининг интеграцияси; маданий глобаллашув, ундаги миллий ва умуминсоний омиларнинг дизайн услубларига синкретик таъсири.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов асарлари² асосида тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги миллий маданиятимизни тиклаш ва ривожлантириш масалаларига оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди³.

Дизайннинг назарий масалалари ғарбда У.Моррис, Ж.Рёскин, Г.Земпер, Ж.Нельсонлар томонидан таҳлил этилган⁴.

МДҲ олимларидан В.О.Глазычев, В.В.Аронов, Ю.В.Медведев, В.П.Кляузе, В.В.Чижиков, А.И.Мосорова, С.О.Захарова, хорижлик Н.Оsmundson, С.MattheK, M. Degen, Bense Махлар дизайн назариясининг фалсафий-маданий, бадий-эстетик, социологик, инфорMацион-семиотик, конструктив-типологик аспектларини таҳлил этишга эътибор қаратишган.⁵

² Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 Ж. – Тошкент: Ўзбекистон. 1993-2016.

³ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

⁴Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да келтирилган.

⁵Глазычев В.Л. Дизайн как он есть / Изд. 2-е, доп. -М.: Европа, 2006. -320 с.; Аронов В.Р. Современная теория дизайна / -М.: Артпроект, 2009. – 225 с.; Медведев В.Ю. Научные аспекты дизайна. -Санкт-Петербург, 2014. - 212 с.; Кляузе В.П. Дизайн как социо-культурный феномен: философский анализ. Дис. док. филос. наук. – СПб., 1998. – 305 с.; Чижиков В.В. Дизайн и культура. -М.: МГУКИ, 2006. -361 с.; Мосорова Н.Н. Философия дизайна: Социально-антропологические проблемы: автореф. дис. ...докт. филос. наук: Екатеринбург, 2001.- 36 с. Захарова С.О. Человекомерность дизайн деятельности, (социально-философ. контексте) автореф. дисс.на соис.канд.филос.наук. Украина: Киев, 2013.- 16 с;

Ўзбекистонда дизайн масалалари А.Безмоздин, Д.Нозилов, С.Бекмуратова, М.Аҳмадбекова, А.Азизқориевлар томонидан таҳлил этилган⁶.

Умуман олганда, мазкур ишлар дизайннинг муайян таҳлили ва шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилганлиги билан характерланади. Аммо, қайд этиш лозимки, бадиий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайннинг имконият ва афзалликлари, маданий маконни шакллантиришга таъсири, тарбиявий хусусиятлари тўла очиб берилмаган. Шу боис ушбу тадқиқотда дизайннинг имманент хусусиятларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний қадриятлари ва ҳозирги замон» мавзуси ҳамда А-1-85 + (1-159) «Таълимда менежмент ва маркетингнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ишлаб чиқиш ва миллий маданиятни умуминсоний маданият билан уйғунлаштиришга оид услубий қўлланма тайёрлаш» (2015-2017 йй) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайн имманент хусусиятларининг прагматик-аксиологик аҳамиятини очиб бериш ҳамда дизайн назариясини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадиий-эстетик маданиятнинг фалсафий моҳияти, хусусиятлари, маданият тизимидаги ўрнини аниқлаш;

бадиий-эстетик маданиятни ривожлантирувчи омил ва воситаларни илмий асослаш;

дизайн анъанавий ва замонавий концепцияларининг бадиий-эстетик хусусиятларини очиб бериш;

дизайннинг бадиий-эстетик фаолият сифатидаги хусусиятларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар бериш;

Ўзбекистонда дизайннинг шаклланишини таҳлил этиш ва тараққиёт истиқболларини аниқлаш;

Osmundson Th. Gardens on the roofs: history, design, and construction. N.Y.: W. W. Norton & Company, 1999. -318 pp.; Claus Mattheck. Design in Natur. Shringger-Verlag Berlin Heidelberg. New York. 1998. -246 pp.; Degen M. Sensing Cities: Regenerating public life in Barcelona and Manchester. New York, 2008. -236 pp.; Bense Max. Ausgewaehite Schriften Band 3. Aestetik und Texttheorie-Stuttgart; Weimar Metzler., I.B., 2000.-XXX, 469 pp.

⁶ Безмоздин Л. В мире дизайна. -Тошкент: Фан, 1990, -311 с.; Нозилов Д.А. Ўрта Осиё дизайни тарихидан. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -127 б.; Бекмуратова Н.А. Техникавий ижод ва дизайн. - Тошкент: Фан ва технология. 2006. - 217 б.; Аҳмадбекова М.П. Диалектика обшего и особенного в архитектуре и дизайна. Дис. ...канд.филос. наук. - Ташкент: ТашГУ, 1994. -123 с.; Азизқориев А.Р. Социокультурные аспекты экологического дизайна в системе духовно-эстетической ценностей: Дис. ... канд. филос. наук. -Ташкент: НУУз, 2000. -120 с.

дизайннинг бадий-эстетик маданиятни ривожлантиришдаги имконият ва афзалликларини асослаш;

миллий дизайннинг тарбиявий хусусиятини кучайтириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бадий-эстетик маданият ва дизайннинг ривожланиши.

Тадқиқотнинг предмети дизайн имманент хусусиятларининг бадий-эстетик маданиятга таъсири.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли-функционал ёндашув, тарихийлик, мантикийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик, қиёсий таҳлил, сўровнома, кузатув, интервью каби илмий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадий-эстетик маданият механизмлари (бадий-эстетик эҳтиёж, бадий-эстетик муносабат, бадий-эстетик фаолият)нинг уйғунлигини таъминлашда маданият муассасалари, ташкилотлар, ижтимоий институтларнинг воситачилик хусусиятлари (бадий-эстетик кадриятларни яратиш, оммалаштириш, мониторингини олиб бориш) очиб берилган;

дизайн ва санъат ҳамкорлиги, уларда илмий-рационал ва бадий-эстетик хусусиятлар трансформацияси илмий-назарий асосланган;

дизайннинг бадий-образлилик, ижодийлик, бунёдкорлик каби имманент хусусиятлари утилитар-эстетик, прагматик-аксиологик тамойиллар асосида очиб берилган;

Ўзбекистонда дизайн ижтимоий-маданий динамикасининг омиллари (инновацион технологиялар, миллий ва замонавий ижодий услублар) асосланган;

бадий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайн фаолиятининг бадий-образли моделлаштириш, тизимлилик, илмий асосланганлик каби хусусиятларидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: дизайнни ижтимоий хизмат, маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий жараёнларга татбиқ этишнинг самарали механизмлари очиб берилган.

Ўзбекистонда бадий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайн имкониятларидан фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда бадиий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайн имманент хусусиятларини тадқиқ этиш асосида олинган натижалардан ушбу йўналишдаги назарий-илмий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда дизайнни янада ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда дизайннинг бадиий-эстетик жиҳатини оширишга хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайннинг имманент хусусиятлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

бадиий-эстетик маданият механизмларининг уйғунлигини таъминлашда маданий муассасаларнинг воситачилик хусусиятларидан фойдаланишга оид тавсия ва таклифлардан Ўзбекистон Бадиий Академияси томонидан ташкил этилган «Тасвирий ва амалий санъат фестивали» (2017 йил 18-22 апрель) доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Бадиий Академиясининг 2017 йил 6 майдаги 01-16/ 263-734-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши либос дизайнида янги ғоялар, дизайн инновациялари ва миллий услубларни уйғунлаштириш, илмий-рационал ва бадиий-эстетик хусусиятлар трансформациясига хизмат қилган;

бадиий-эстетик кадриятларни оммалаштириш ва мониторингини олиб боришга доир таклиф ҳамда тавсиялардан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази фаолиятида фойдаланилган (Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2017 йил 31 январдаги 42-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши бадиий-эстетик кадриятларни ёшларга сингдириш ҳамда бадиий-эстетик фаолиятни такомиллаштиришга хизмат қилган;

дизайн ва санъат ҳамкорлиги, уларда илмий-рационал ва бадиий-эстетик хусусиятлар трансформациясига доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» телеканалининг «Кўнгилдаги гаплар», («Гўзаллик», 2016 йил, август), «Балоғат бекати» (2016 йил, октябрь) кўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-18-612-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар кўрсатувларнинг илмий-назарий жиҳатини, бадиий-эстетик таъсирчанлигини ошириш имконини берган;

бадиий-эстетик маданиятни ривожлантиришда дизайннинг имманент хусусиятларига оид ишлаб чиқилган таклифлардан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш Бош бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш Бош бошқармасининг 2016 йил 27 сентябрдаги 15-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг қўлланилиши табиат ва антропоген муҳитни бирлаштириш орқали эстетик маконни юзага

келтириш, кўча ва маҳаллалар умумий манзарасида яхлитлик, изчиллик, шакл ва мазмун уйғунлигини таъминлаш орқали Тошкент шаҳри архитектуравий-бадий қиёфасини такомиллаштиришга ҳисса қўшган;

Ўзбекистонда дизайн ижтимоий-маданий динамикасининг омиллари ва унинг маданий маконга таъсири хусусидаги таклиф ва тавсиялардан «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонаси фаолиятида фойдаланилган («Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонасининг 2016 йил 18 ноябрдаги 35-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар шаҳарсозликда дизайннинг эмоционал-эстетик таъсири ва ижтимоий аҳамиятини ошириш, турмуш маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та илмий анжуманда, жумладан, 6 та халқаро, 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 220 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Бадий-эстетик маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари» деб номланган биринчи бобида бадий-эстетик маданиятнинг моҳияти, хусусиятлари, ривожлантириш омил ва воситалари назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Бадий-эстетик-маданият маданият тизим ва кўринишлари билан ўзаро алоқадор, унга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-маънавий ҳодиса. Уни ривожлантириш орқали жамият ижтимоий-маданий тараққиётга эришади. Бу эса бадий-эстетик маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш, механизмлари уйғунлигини таъминлашни тақозо этади.

Тадқиқотда бадий-эстетик маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича изоҳланади: 1) бадий-эстетик маданиятнинг объекти санъат эканлиги, санъат инсон жисмоний, ақлий қобилиятларининг бутун борлиғи ҳамда соҳалари билан яхлит акс эттириш орқали бадий-

эстетик тарбиянинг муҳим омилига ҳам айланиши, бадиий-эстетик тарбия эса шахс, унинг эстетик эҳтиёж ва қобилиятларининг ривожланишига шарт-шароит яратиши; 2) бадиий-эстетик маданият шахс маънавий қиёфасининг муҳим таркибий қисми эканлиги; 3) бадиий-эстетик маданият инсонга хос бўлган ижодкорлик жиҳатларини намоён этиши, инсон фаолиятининг маҳсули сифатида материяни ташкил этувчи белги, тил, ўзига хос воситалар ёрдамида образлилик асосида оламни, воқеликни бадиий-эстетик акс эттириши; 4) эстетик муносабат бадиий ғояда, бадиий ижодда, бадиий идрокда намоён бўлиши, конкрет бадиий фаолиятнинг ҳам воситаси, ҳам мақсади эканлиги, санъаткор санъат асари, бадиий қадрият ярата туриб гўзаллик, янги эстетик қадриятни вужудга келтириши, у гўзаллик ҳиссиётини истеъмолчида ҳам уйғотиши; 5) бадиий-эстетик маданият инсон томонидан ишлаб чиқилган маънавий-моддий оламнинг универсал мезонини аниқлаш, объектив борлиқнинг индивидуаллигини бадиий ўзлаштириш қобилиятини мустаҳкамлаш ҳамда авлоддан авлодга етказиши билан ҳам белгиланади.

Диссертацияда бадиий ва эстетик маданиятнинг айрим фарқли жиҳатлари, хусусан, бадиий маданият маданиятнинг алоҳида кўриниши бўлса, эстетик маданият маданиятнинг алоҳида кўриниш ёки қисми эмас, балки умумий потенциали, ички ва ташқи шакли эканлиги, уларнинг тизими, чунончи, эстетик маданият тизими табиат ва ўзаро ижтимоий муносабатлар жараёнини, бадиий бўлмаган фаолият соҳаларни ҳам ўз ичига олиши, яна бир фарқли жиҳати бадиий ва эстетик дид муносабатларида ҳам кўриниши, яъни, бадиий дид эстетик диднинг таркибида бўлиши унинг асосида бадиий қадриятларни ҳақиқий ёки сохтасидан ажрата олиш, бадиий асарларни тушуниш, баҳолашга асосланиши, эстетик дид эса нафақат санъат балки, турмуш жараёнида ҳам намоён бўлиб, фаҳм-фаросат каби инсон ахлоқий, ақлий хусусиятларини ҳам ўзида мужассам этиши кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотда бадиий-эстетик маданият механизмлари бадиий-эстетик маданиятни ҳаракатлантирувчи ҳодиса эканлиги тадқиқ этилган. Бадиий-эстетик механизмлар уйғунлигини таъминлашда маданият муассасалари, ташкилотлар, ижтимоий институтларнинг воситачилик хусусиятлари очиб берилган.

Диссертацияда бадиий-эстетик маданиятнинг интегратив хусусиятлари ахлоқий маданият, экологик маданият, нутқ маданияти, жисмоний маданият, касбий маданият кабилар билан ўзаро алоқадорликда тадқиқ этилган. Маданиятнинг турли шакллари тарихан шаклланиб, ўзаро бир-бирини бойитиб бориши, бадиий-эстетик маданият жамиятнинг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли маданият тизимида бирлаштирувчилик хусусиятига эгаллиги асосланган.

Тадқиқотда Ўзбекистонда бадиий-эстетик маданиятни ривожлантириш омиллари сифатида республиканинг жаҳон ҳамжамиятига

интеграцияси; миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, бой миллий маданий-тарихий анъаналар ва халқимиз интеллектуал меросининг тикланиши тадқиқ этилган. Шунингдек, бадиий-эстетик маданиятни ривожлантириш воситалари - санъат, оммавий ахборот воситалари, дизайн маданиятлараро ва цивилизациялараро алоқаларнинг мустақамланишига йўл очаётгани, кишилар онгида тасаввурлар, образлар, барқарор кадриятларнинг шаклланишига таъсир кўрсатиши, тарбиявий хусусиятлари очиб берилган.

Диссертациянинг «Дизайн бадиий-эстетик маданиятнинг таркибий қисми сифатида» деб номланган иккинчи бобида дизайнга оид концепциялар ўрганилиб, унинг бадиий-эстетик фаолият сифатидаги хусусиятлари таҳлил этилган.

Дизайннинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари ҳали тўла ўрганилмаганлиги боис бу борада фикрлар хилма-хил. Дизайнни турли контекстда таҳлил этган қатор илмий тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатади. Тадқиқотда дизайнни бадиий-эстетик маданият тизимида тадқиқ этиш унинг фалсафий моҳияти, ижодий табиати ва имманент хусусиятларини ойдинлаштириш имконини бериши асосланган. Дизайн бадиий-эстетик фаолият тури, бадиий-эстетик маданиятнинг функционал жиҳатлари эса кўп ҳолларда бадиий-эстетик фаолият тушунчасига боғлаб ўрганилган. Демак, дизайн бадиий ижод, у бадиий жараёнлар билан ўзаро алоқадор бўлиб, бадиий-образлилик, ижодийлик, бунёдкорлик, кадриятлилик, тарихийлик, ғоявийлик, миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги унинг асосини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида дизайн соҳасида янги методологик ёндашувлар, инновацион ғоялар, бадиий-эстетик фаолият тамойиллари, бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан бадиий ижоднинг ўзига хос хусусиятлари шаклланди. Бу уни ижтимоий тажриба ютуқлари билан бойитиб бориш, назарий ва услубий савиясини кўтариш имконини берди.

Диссертацияда дизайндаги бадиий-эстетик ва утилитар-прагматик хусусиятлар таҳлил этилган. Чунки дизайнда ҳар бир предмет функционал (буюмнинг техник мақсади инсоннинг утилитар талабларини қондириш учун керакли, қулай, фойдали хусусияти); конструктив-технологик (материалнинг физик ва механик хусусиятлари ва шакл конструкциясини оқилона ифодалаши, экологик хавфсизлиги); эстетик (нарса ва буюмларнинг чиройли, бадиий, эстетик таъсирчанлиги, жамиятнинг эстетик идеалларига мослиги) аҳамиятга эга. Дизайн объектларининг утилитар-прагматик, бадиий-эстетик хусусияти ушбу фаолиятнинг моҳиятини ташкил этади. Гўзаллик, бадиий-образлилик шаклга тегишли бўлиб тез кўзга ташланади, чидамли, яроқли, фойдалилиги унинг амалда қўлланиши жараёнида намоён бўлиб боради. Улар иккиси бирлашиб дизайн объектларининг оммавийлигини таъминлайди.

Инсоннинг қулайлик ва фойдалиликка бўлган талаби кучайиб бораётгани моддий оламнинг ихчамлашуви, мобиллашувига олиб келмоқда-ки, бу реал эҳтиёжларни қондирадиган, мақсадга мувофиқ, ишлаб чиқариш жараёнига мос маҳсулотлар ассортиментини яратишни, буюмлар оламидаги тартибсизликни бартараф этиш билан бирга, инсонни қуршаб турган моддий оламда уйғунликни қарор топтиришни тақозо этмоқда. Бунинг учун дизайнер фаолиятида ижодийлик, бадиий-образлилик, тарихийлик, миллийлик ва умуминсонийлик каби тамойиллар асос бўлиши лозим. Чунки бу тамойиллар дизайннинг ижтимоий-фалсафий моҳияти, санъат билан диалектик боғлиқлигини акс эттиради, шунингдек, тараққиёти яқин ва келажак истиқболига таъсир кўрсатади.

Диссертацияда дизайн тобора жамиятнинг барча соҳаларига дахлдор бўлиб бораётгани унинг ижтимоий-иқтисодий, тарбиявий, коммуникатив, экологик каби функциялари орқали ёритиб берилган. Дизайннинг ижтимоий-иқтисодий функцияси дизайннинг мамлакат иқтисодий-молиявий стратегияси билан боғлиқлигида акс этиб, саноат ва тижорат компаниялари манфаатлари, фойда олишга йўналтирилган. Тарбиявийлик функцияси, айниқса, бадиий-эстетик тарбия-инсон ҳиссиётларига таъсир қилиши, эстетик кечинмалар уйғотиб, эстетик дидни ривожлантиришида намоён бўлади. Коммуникатив функция жамият маданий анъаналари, ақидалари хусусида информация беради. Бугун нарса ва предметлар, бино ва иншоотлар, либослар дизайни орқали жамият бадиий-эстетик маданияти хусусида маълумот олиш мумкин. Айниқса, халқаро дизайн кўргазмаларида бу нарса яққол кўзга ташланади. Дизайннинг экологик функцияси табиат манзаралари, ландшафт яратиш билан боғлиқ. Буни дизайннинг энг муҳим вазифаси дейиш мумкин. Табиатни асрашнинг муҳим усули гўзал табиат гўшалари яратишдан иборат. Чунки инсон гўзалликни севади, ўзи яратган гўзалликни асрайди, қадрлайди. Умуман олганда, дизайннинг барча функциялари ўзаро боғлиқ ва бир нуқтада бирлашади, унинг марказида инсон, унинг манфаати, қизиқиши, эҳтиёж ва талаблари туради.

Диссертацияда замонавий дизайн объектлари қуйидагича таснифлаб берилган: 1. Саноат дизайни - меҳнат қуроллари, турли агрегат ва механизмлар, транспорт воситалари, жиҳозлар ва ҳ.к; 2. Меъморий муҳит дизайни –турар жойлар, жамоат жойлари ва иншоотлари, кичик меъморий шакллар, реклама, тунги ёриткичлар, турар жойлар ва жамоат жойлари интерьерлари, витраж, ёдгорликлар, истироҳат боғлари; 3. График дизайн-газета, журнал, китоб-дафтар, матбаа маҳсулотлари; 4. Виртуал дизайн-телевидение, интернет, визуал коммуникациялар; 5. Маиший дизайн- либос, тақинчоқлар, бош кийимлар, соч турмаклари; 6. Экодизайн - ландшафт, фитодизайн; 7. Арт-дизайн - санъат хусусиятига эга бўлган совғалар, сувенирлар.

Ушбу тизимлаштириш дизайн ҳодисасини тўла қамраб ололмаган бўлиши мумкин, аммо унинг миқёсини тасаввур этишда ёрдам беради.

Дизайнер - яратилган маҳсулот- истеъмолчи ўртасидаги ўзаро боғланиш чуқур ва мураккаб ички хусусиятга эга бир қанча объектив ва субъектив омиллар асосида вужудга келади. Дизайн конкрет буюм ёки хизмат турлари кўринишида бўлиб, фақатгина истеъмолчининг муайян эҳтиёжини қондириш учунгина хизмат қилмайди. Балки ўзаро боғланиш жараёнида буюмлар «жонланиб», истеъмолчи субъектга маънавий кучкуват, руҳий таъсир этади.

Дизайннинг барча тури ёки кўриниши бир бутун эстетик муҳитни шакллантиришда иштирок этади. Бу муҳит айна пайтда инсоннинг соғлом турмуш тарзи, диди, маданияти ва дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатади, шунингдек бир вақтда уларнинг кўрсаткичига айланади.

Шулардан келиб чиқиб, замонавий дизайн илмий-амалий, бадиий-эстетик, маънавий-ахлоқий жиҳатларни ўзида бирлаштирувчи маданият феноменидир. Унинг илмийлиги - назарий-рационал асосга эгаллиги, амалийлиги- яроқлилиги, прагматик-утилитар аҳамияти, бадиийлиги - шакл ва мазмун уйғунлиги, эстетиклиги - жамият эстетик дид ва идеалларига мувофиқлиги, маънавий-ахлоқийлиги - жамият ахлоқий меъёрларига мослиги билан белгиланади.

Диссертациянинг «Бадиий-эстетик маданият ва дизайннинг диалектик алоқадорлиги» деб номланган учинчи бобида бадиий-эстетик маданиятнинг таркибий қисмлари бўлган санъат, турмуш ва меҳнатнинг дизайн билан диалектик алоқадорлиги тадқиқ этилган.

Бадиий-эстетик маданият маданиятнинг бошқа кўринишларидан фарқли равишда инсон фаолияти, турмуш тарзи, меҳнат жараёнини кенг қамраб олади, унинг ўзига хос хусусиятларини, бадиий-эстетик, маънавий-ахлоқий жиҳатларини тўлароқ акс эттиради. Дизайн махсус фаолият сифатида шакланган бўлсада, унинг санъат билан узвий боғлиқ жиҳатлари мавжуд. Санъатга хос бўлган хусусиятлар, тамойиллар, услублар дизайнга таъсир кўрсатиб бойитиб келган ва келмоқда.

Диссертацияда санъат ва дизайннинг фарқли жиҳатлари қуйидагича кўрсатилган:

биринчидан, бу ҳар бир фаолиятнинг тарихан келиб чиқиши билан боғлиқ. Санъатнинг келиб чиқишида маънавий ибтидо, инсоннинг эркинликка бўлган маънавий-руҳий эҳтиёжи асос бўлган. Бу жараёнда инсон маҳоратини намоён этади, бу маҳорат томошабинга завқ, хайрат бахш этади. Дизайн эса меҳнат натижасида вужудга келади. Унда ҳам инсон маҳорати акс этади, аммо у томошабин эмас, истеъмолчига қаратилган, у мажбурият билан боғлиқ, мақсадга йўналтирилган ижтимоий ҳодиса ва меҳнатдан манфаатдорлик мавжуд.

Иккинчидан, санъат - ижтимоий ҳаётнинг мустақил соҳаси, инсон фаолиятининг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган маънавий-эстетик ҳодиса. Унда эстетик хусусиятлар, инсон бадиий

тафаккурининг алоҳида ўрни бор. Дизайнда эстетик хусусиятлар, бадиий тафаккур билан биргаликда илмий-рационал жиҳатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, техника илм маҳсули. Шундай экан, аниқлик, қатъий мантиқ, ҳисоб-китоб, математика ва аниқ формулалар дизайн объектларида муҳим аҳамият касб этади. У илмий тафаккурнинг сўнгги муваффақиятларини ўзида мужассам этади.

Учинчидан, санъат - инсон маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият. Биз санъат асарларидан завқ, маънавий лаззат оламиз, аввало, уларни маънавий қадрият сифатида баҳолаймиз. Дизайн эса инсоннинг моддий-маиший эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқ. У нарса ва буюмлар оламини тартибга солиш, уйғунлаштириш, инсон турмуш маданиятини юқори даражага кўтариш, меҳнат жараёнини илғорлаштириш вазифаларини бажаради.

Тўртинчидан, санъатдаги образлар - ижодкор тасаввури ва хаёлотли маҳсули, унда иррационал жиҳатлар кўпроқ, у маънавий ҳодиса. Дизайн ҳам образ тушунчаси мавжуд у дизайнер томонидан яратилган нарса ва буюмларнинг бадиий-образли модели ёки шу объект ҳақидаги тасаввури бўлиб, улар моддийлашади. Дизайнинг моҳияти нарсаларни янгилаш орқали ҳиссиётларни янгилаш, мавжуд нарса ва буюмларга янгича қарашни пайдо қилиш, ишга ижодий ёндашиш.

Бешинчидан, санъат асари кўп ҳолларда якка шахс ижодининг маҳсули (масалан, шеър шоирнинг), дизайн ҳам бир нечта касб эгалари-муҳандис, социолог, психологнинг иштироки муҳим. Чунки у яратаётган ижод маҳсули инсоннинг ҳам маънавий, ҳам моддий эҳтиёжини қондириши лозим. Дизайнерлик инсон томонидан яратилган конкрет дизайн лойиҳалари ҳамда лойиҳа фаолияти ва маданиятидаги объектив ўрнини билиши; жамият ва ундаги алоҳида гуруҳлар ҳаёт тарзидаги ўзаро алоқадорлик, бадиий лойиҳалаш объектларнинг кўп қиррали эканлигини тушуниши; предметли ва предметли-муҳитнинг ўзига хослиги, тамойиллари, лойиҳалаштириш шакллари ҳамда уларнинг эстетик аҳамиятини билиши талаб этилади.

Олтинчидан, санъаткорлик туғма ҳодиса, агар шу хусусият бўлмаса бир умр ўқиса ёки меҳнат қилсада шоир бўлиши амримаҳол. Дизайнерлик эса ижтимоий ҳаётда орттирилади. Дизайн таълими уч босқични ташкил этади: бадиий мактаб, бадиий таълим махсус коллежи ва олий таълим.

Еттинчидан, санъаткор инсоннинг, аввало, маънавий-руҳий эҳтиёжлари, яратаётган асарининг инсонга эстетик таъсирини инобатга олади. Дизайнер эса ўзи хизмат кўрсатаётган маданий қатламнинг ижтимоий-руҳий хусусиятларини, шунингдек, эстетик билимларни ҳам эгаллаган бўлиши тақозо этилади. У яратаётган нарса-буюмларнинг инсон учун қулай, керакли, фойдали, замонавийлиги, шакл ва мазмуни мутаносиблигини эътиборга олади.

Саккизинчидан, дизайнер маълум маънода ихтирочи ҳамдир. У дизайн объектларини яратаётганда фақат нарса ва буюмларни

безатишни мақсад қилиб қўймайди, ҳар томонлама ўйлаб, кенг фикр юритади, ижод маҳсули кимга ва нима учун мўлжаллангани ва заруриятини унутмайди.

Тўққизинчидан, муайян санъат асари ягона, Рафаэль ёки Камолиддин Беҳзоднинг асарини нусха кўчириб кўпайтириш мумкин. Унинг асл нусхаси эса қадриятдир. Дизайндаги маҳсулотлар, масалан либослар, жиҳозлар кўп нусхалилик хусусиятига эга. Аммо бу билан у қадрини йўқотмайди.

Санъат ва дизайнга хос бўлган умумий жиҳатлар:

Биринчидан, санъат ҳам, дизайн ҳам ижодий фаолият, бадиий ижодга хос тамойиллар - оригиналлик, бадиийлик, шакл ва мазмун уйғунлиги, ижодийлик, миллийлик ва умуминсонийлик иккисига ҳам хос.

Иккинчидан, санъат ҳам (амалий санъат), дизайн ҳам инсон маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Учинчидан, оламни гўзаллик тамойили асосида эстетик ўзлаштириш ва ижтимоий борлиқни бадиий ижод орқали идрок этиш каби эстетик қонуниятлар санъат ва дизайнда бирдек амал қилади. Буни санъат асарлари ва дизайн маҳсулотлари мисолида кўриш мумкин.

Тўртинчидан, санъат дизайнга таъсир кўрсатади, уни бойитади. Масалан барокко, рококо, ампир, классицизм, модерн каби услублар дизайнга ҳам таъсир кўрсатган. Шунингдек, бугун дизайннинг замонавий санъат турларига ижобий таъсиридан кўз юмиб бўлмайди. Кино, театр декорациясидан тортиб рекламасигача дизайн ёрдамга келади.

Бешинчидан, дизайн техника - маҳсули. Техника техника воситаларигина эмас, балки ушбу сўзнинг юнонча «техне» санъат маъносини англатиши, дизайн қадимдан инсоннинг ёғоч ва тошларга ишлов бериши жараёнида шаклланиб келган маҳорати эканлигини эътироф этиш лозим. Бу эса унинг санъат каби қадимийлигига ишора. Ўз ўрнида техника санъат маъносида келиши уларнинг диалектик боғлиқлигини кўрсатади. Демак, санъат ва дизайн бир-бирини тўлдириб, ривожлантириб боради.

Олтинчидан, дизайн инсон бадиий тафаккурининг алоҳида ўрни бор. Чунки, бадиий тафаккур яратган санъат асари инсон ҳиссиётларини жунбушга келтиради, уни яратувчанликка ундайди. Санъат воқеликнинг моҳиятини очиб бериш характерига эга бўлса, техникада эса ана шу моҳият кўргазмали шаклда ифодаланади. Дизайн доимо ижтимоий талаб, эҳтиёж ва мақсадларга мувофиқ ўзгариб боради.

Диссертацияда меҳнат ва дизайн муносабатларига инновацион ёндашув очиб берилган. Замонавий технологияларнинг меҳнат жараёнига таъсири таҳлил этилган.

Техника тараққиёти ишчини оғир жисмоний меҳнатдан халос этсада, лекин руҳий-ахлоқий масъулиятини кучайтиради. Ўз ўрнида техника тараққиётининг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. А-1-

85+(1-159) «Таълимда менежмент ва маркетингнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ишлаб чиқиш ва миллий маданиятни умуминсоний маданият билан уйғунлаштиришга оид услубий қўлланма тайёрлаш» мавзусидаги грант доирасида Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро, Хоразм, Наманган университети талабалари ўртасида ўтказилган социологик сўровномада «Замонавий техника ва технологиянинг ижобий жиҳатлари нимада?» деган саволга респондентларнинг 57.48 фоизи «Меҳнат жараёни енгиллашади», деб жавоб беришган. Ёшлар замонавий техниканинг меҳнат фаолиятидаги ўрнини баҳолашар экан, унинг салбий жиҳатларини ҳам таъкидлаб ўтишган. «Замонавий техника ва технологиянинг салбий томонлари нимада?» деган саволга респондентларнинг 17.68 фоизи «Меҳнат жараёни мураккаблашади», 35.69 фоизи «Кишилар бир-бирларига бефарқ бўлиб қолишади» 27.33 фоизи «Инсон техника қулига айланади», 19.30 фоизи «Экологияга салбий таъсир кўрсатади» деб жавоб беришган.⁷

Диссертацияда меҳнат жараёнида эргономик талаблар ва дизайн усулларининг уйғун татбиқ этилиши меҳнат эстетикасининг муҳим омили эканлиги асосланган.

Ижтимоий муҳит, иқтисодий, ижтимоий, функционал, эстетик меъёр ва шарт-шароитларни гавдалантирадиган турмуш маданияти инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотда турмуш маданиятини шакллантириш болаликдан дизайн воситасида амалга оширилиши лозим деган фикр илгари сурилади. Бунинг учун болаларда бадиий лойиҳалаш қобилиятини шакллантириш лозим, бу келажакда улар ижодий тасаввурининг ривожланиши ва эстетик характер касб этишига олиб келади. Конструкторликнинг утилитар техник параметри маҳорат ва кўникмалар билан бирга эстетик дидни шакллантиради. Кейинчалик бу репродуктив ишлаб чиқаришдан ижодийликка йўналтирилади. Айниқса, “Баркамол авлод” болалар марказларида дизайнерлик тўғарақларининг мавжудлиги уларнинг қобилиятини шакллантириш, меҳнатсеварликка ўргатиш, ижодий қобилиятларини, дизайнга оид билим ва ижодий тафаккурнинг бойиб бориши, дизайнерлик касбининг дастлабки кўникмалари шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Турмуш эстетикаси инсон фаолияти соҳалари, нарсалар олами, интерьернинг таркибий қисмлари, унинг шаклланиш қонуниятлари, иш жойлар муҳитини шакллантириш каби масалаларни ҳал этишда замонавий илм - фан билан боғлиқ бўлиб, янги техник ва технологик ишланмалар, дизайнга таяниши таъкидланади.

⁷ А-1-85+(1-159) “Таълимда менежмент ва маркетингнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ишлаб чиқиш ва миллий маданиятни умуминсоний маданият билан уйғунлаштиришга оид услубий қўлланма тайёрлаш” гранти доирасида 2016 йил Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро, Наманган, Хоразм университети талабалари ўртасида ўтказилган социологик сўровнома таҳлили натижалари.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда дизайннинг ижтимоий-маданий динамикаси ва унинг бадиий-эстетик маданиятга таъсири» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистонда дизайннинг шаклланиши ва тараққиёти, маданий маконда дизайн парадигмасининг намоён бўлиши, шахс бадиий-эстетик тарбиясида дизайн ижтимоий-маданий детерминантларининг ўрни масалалари тадқиқ этилади.

Ўзбекистонда дизайн тараққиётини шартли равишда мустақилликкача ва мустақилликдан кейинги даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Дизайннинг маънавий-фалсафий илдизлари аждодларимизнинг фаровон ва гўзал ҳаёт, меҳнатсеварлик, турар жойларни саранжом-саришта, озода сақлаш каби қарашлари улар томонидан яратилган меҳнат қуроллари, ҳунармандлик намуналари орқали ифодаланади. Диссертацияда дизайн тараққиёти «Авесто»даги обод ва фаровон ҳаёт ҳақидаги қарашлар, ҳунармандлик, шаҳарсозлик анъаналари билан узвий боғлиқ эканлиги, Темур ва темурийлар даври маданияти ҳамда ҳунармандчилиги, жадид-маърифатпарварларнинг бу борадаги қарашлари, XIX аср охири XX аср бошларида дизайн назариясининг шаклланиши тадқиқ этилган. Жумладан, хориж техника-технологияси, сармоя ва тажрибасини жалб этиш миллий тараққиёт омили эканлигини англаган жадидлар миллат ҳаёти ва турмуш тарзига кириб келаётган янгиликларга бефарқ бўлмай, фойдали жиҳатларини ўзлаштириш, ёмонларидан воз кечмоқ лозимлигини таъкидлайдилар. Ёшларни замонавий мактаблар ҳамда илғор мамлакатларда ўқитиш, олий мактаб ва мадрасалар очиш, ҳунармандликни замонавий асосда ривожлантириш, ўлка табиий жўғрофиясини ҳисобга олган ҳолда завод ва фабрикалар қуриш, халқнинг техникавий маданиятини ва билимларини кўтариш каби масалаларни муҳим деб билганлар.

Диссертацияда совет даврида Ўзбекистонда дизайн назарияси ва амалиёти оқсаб қолганлиги, бунинг сабаби дизайн санъат каби мафқуралаштирилгани, унинг фалсафий концепциясига эътибор берилмаганлиги билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда дизайн назарияси ва амалиёти, муаммоларига эътибор кучайди. Ўзбекистон Бадиий Академияси, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, дизайн коллежлари ташкил қилинди, дизайнга оид ўқув қўлланма ва дарсликлар нашр қилинди, диссертациялар ҳимоя қилинди. Республикаимизнинг мустақилликка эришуви, бозор муносабатларининг шаклланиши, кўп сонли кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг очилиши, халқаро алоқаларнинг фаол йўлга қўйилиши билан дизайн бадиий ижоднинг оммавий турига айланди. Шунингдек, у мустақил давлатимиз маданий сиёсати доирасига кирди. Бу Ўзбекистон ҳукуматининг дизайн соҳасини ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатларида ўз аксини топади.

Диссертацияда дизайнни маданий маконни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг муҳим воситаси эканлиги турар жой, маҳалла,

